

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 181 (11.492)

Баҳоси эркин нарҳда

Хабар қилганимиздек, кеча «Ўзэкспомарказ»да қишлоқ аҳолиси учун яқка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган кўргазмаси иш бошлади.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Кўргазмалар



АҲОЛИ УЧУН ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАР

қурилишига янги технологиялар ва замонавий қурилиш материалларини татбиқ қилиш асосий мақсадлар сирасига қиради.

Кўргазмада намойиш этилаётган яна бир муҳим йўналиш, бу «Қишлоқ қурилиш банк» ва уй-жой қурилишида бурортма вазифининг бажарувчи «Қишлоқ қурилиш инвести» инжиниринг компанияси томонидан аҳолига кўрсатиладиган хизмат турлари, шу жумладан уй-жой қурилиши учун аҳолига имтиёзли кредит ажратили ва уй-жойларни «калти билан» топшириш шарти асосида қуриш механизмлари билан кўргазма қатнашчиларини таништиришдир.

«Ўзэкспомарказ»нинг иккинчи павильонида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий қурилиш материаллари, уй-рўзгор ва енгил саноат маҳсулотлари, мебеллар, маиший техника ва қишлоқ хўжалик ускуналари ҳам намойиш этилиб, бу таширф буюрувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Очiq павильонларда эса намунавий лойиҳалар асосида маҳаллий қурилиш материалларидан

фойдаланган ҳолда ҳақиқий ўлчовларда қурилган ҳамда замонавий безак ва мебеллар билан жиҳозланган етти хил уйлар, жумладан «сэндвич» панеллари ёрдамида қурилган уйлар намуналарини намойиш этилмоқда.

Айниқса, минтақаларда энг янги қурилиш технологиялари ечимлари, замонавий қурилиш материаллари ва буюмларидан фойдаланган ҳолда айрим аҳоли ҳудудларини таъриба намунавий қуриш бўйича лойиҳаларни шунингдек, виллоятлар бўйича белгиланган 42 та намунавий посёлканинг ҳар бир ҳудуднинг жўроғиқ иқлим ва геологик хусусиятлари, демографик ҳолатларига хос ечимлари билан ишланган лойиҳа макетларини кўриб кўзингиз кувнаши табиий.

Кўпчиликнинг эътиборини қозongan, республикамиз қурилиш саноатида муҳим ўрин тутган мазкур ихтисослашган кўргазма 10 сентябргача давом этади.
(Ўз муҳбиримиз) СУРАТЛАРДА: кўргазма павильонларидан лавҳалар. Ҳакимжон Солихов олган суратлар.

КУРСАНТЛАР ҚАСАМЁДИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабида навбатдаги 1-босқич курсантларининг қасамёд қабул қилиш маросими бўлди.

ва фахрийлар қатнашди.

Мустақил мамлакатимизда келажагимиз эгалари, юртимиз қалқонлари бўлган ёш авлодни баркамол, билимли, мард, комил инсон қилиб тарбиялаш, вояга етказиш, уларга жаҳон андозаларига мос билим бериш давлатимиз си-

ёсатининг бирламчи маслакларидандир.

Бу борада Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабининг ички ишлар идоралари учун малакали мутахассислар тайёрлашдаги ўрни ва салоҳияти беқийсдир. Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 1993 йил 12

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 7 сентябрь куни Ўзбекистон ва Хитой ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ БИЗНЕС-ФОРУМИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Л. Мейкунь. — Жаҳонда давом этаётган молиявий-иқтисодий инқирозга қарамай мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми тобора ошиб бормоқда. Ўзбекистонда чет эл ишбилармонлари учун яратилган қулай шароит ва кенг имкониятлар хитойлик ишбилармонларнинг Ўзбекистондаги шериклар билан ҳамкорликка қизиқишини кучайтирмоқда.

Дарҳақиқат, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2008 йилда 43,4 фоиз ўсиб, 1,3 миллиард АҚШ долларига етган бўлса, жорий йилнинг январь-июнь ойларидаёқ бу кўрсаткич қарийб 1,2 миллиард долларни ташкил этди. Шунингдек, сармоявий ҳамкорлик кўлами муттасил кенгаймоқда. Мамлакатимизда фаолият юритаётган 266 Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасининг 44 таси тўла Хитой сармояси ҳисобига тузилгани бунинг яққол тасдиғидир. Улар енгил саноат, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, савдо-сармоя каби соҳаларда иш олиб боради. Юртимизда, шунингдек, Хитойнинг 46 та етакчи компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Форумда Ўзбекистон ва Хитойнинг иқтисодий салоҳияти, имкониятлари юзасидан атрафлича фикр алмашилди. Икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантиришга, Хитой компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар муҳокама қилинди. Бунда икки мамлакат ишбилармонлари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш муҳим ўрин тугиши алоҳида таъкидланди.

Анжуманда Хитойнинг элликдан зиёд йирик компаниясидан юзга яқин вакил иштирок этди. Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Хитой ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперация иқтисодий зонасидаги қулайлик ва имтиёзлар билан таъиништирилди.

Ўзбекистон — Хитойнинг Марказий Осиё минтақасидаги муҳим ҳамкорларидан, — дейди Л. Мейкунь. — Жаҳонда давом этаётган молиявий-иқтисодий инқирозга қарамай мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми тобора ошиб бормоқда. Ўзбекистонда чет эл ишбилармонлари учун яратилган қулай шароит ва кенг имкониятлар хитойлик ишбилармонларнинг Ўзбекистондаги шериклар билан ҳамкорликка қизиқишини кучайтирмоқда.

Дарҳақиқат, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2008 йилда 43,4 фоиз ўсиб, 1,3 миллиард АҚШ долларига етган бўлса, жорий йилнинг январь-июнь ойларидаёқ бу кўрсаткич қарийб 1,2 миллиард долларни ташкил этди. Шунингдек, сармоявий ҳамкорлик кўлами муттасил кенгаймоқда. Мамлакатимизда фаолият юритаётган 266 Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасининг 44 таси тўла Хитой сармояси ҳисобига тузилгани бунинг яққол тасдиғидир. Улар енгил саноат, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, савдо-сармоя каби соҳаларда иш олиб боради. Юртимизда, шунингдек, Хитойнинг 46 та етакчи компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Форумда Ўзбекистон ва Хитойнинг иқтисодий салоҳияти, имкониятлари юзасидан атрафлича фикр алмашилди. Икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантиришга, Хитой компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар муҳокама қилинди. Бунда икки мамлакат ишбилармонлари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш муҳим ўрин тугиши алоҳида таъкидланди.

Анжуманда Хитойнинг элликдан зиёд йирик компаниясидан юзга яқин вакил иштирок этди. Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Хитой ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперация иқтисодий зонасидаги қулайлик ва имтиёзлар билан таъиништирилди.

Мадина УМАРОВА, ЎзА муҳбири

• Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи муносабати билан мамлакатимиз Президентини Ислоҳ Каримов номига хорижий давлатлар ва ташкилотлар раҳбарлари номидан самимий кутловлар келиши давом этмоқда.

• Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилаётган «Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатликка номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш тартиби тўғрисида»ги Низом лойиҳаси кўриб чиқилди.

• Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида «Sekko-Aleksandre» Ўзбекистон — Италия — Россия қўшма корхонаси иш бошлади. Янги корхонада 80 нафарга яқин йигит-қиз иш билан таъминланди.

• Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманидаги Қиличбой қишлоғида Ватанимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги байрамига туҳфа сифатида янги замонавий тўйхона биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

• Наманган вилояти марказидан 100 километр йироқда жойлашган Поп туманининг Уйғурсой қишлоғида мини АТС ишга туширилди ва қишлоқ аҳли учун намуна алоқа хизмати яратилди.

• Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллигига бағишланган болалар шахмат фестивали ўтказилди. Ушбу тадбирда 100 нафардан зиёд ёш шахматчилар галаба учун дона суриб, голиблар аниқланди.

• «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Бухоро минтақавий темир йўл узели жамоаси бунёдкорлари Когон шаҳрида «Ёшлик» болалар спорт мажмуасини фойдаланишга топширди.

• Бекобод шаҳридаги 15-ихтисослашган ёрдамчи мактабда саховат акцияси ўтказилди. Тадбирда Бекобод, Олмалик шаҳарлари, Бўка ва Бекобод туманларидан келган ногиронларга зарур тиббий жиҳозлар топширилди.

ЖАҲОНДА

• «Евроныйс» телеканалининг маълум қилишича, Буюк Британияда август ойида янги автомобиллар сотуви сезиларли даражада ошган. Мамлакатда бу борада олти фоиз ўсиш кузатишган. Бундай ижобий кўрсаткич эски машиналарни янгиликларга алмаштирувчиларни қўшимча рағбатлантиришга қаратилган дастур самарасидир.

• Филиппиннинг жанубий туманларидан Бирани паром ҳалокатга учради. Бунинг оқибатида 9 киши ҳалок бўлиб, 30 нафар йўловчи бедарак йўқолган. Зудлик билан кўрилган чора-тадбирлар туфайли 930 киши қутқариб олинган.

• Италиянинг Брешиа шаҳрида уюштирилган авиашоуда кўнгилсиз воқеа юз берди, яъни томоша вақтида унчалик катта бўлмаган самолёт кулаб тушган. «ANSA» ахборот агентлиги тарқатган хабарда айтилишича кўнгилсизлик оқибатида бир учувчи ҳалок бўлган ва иккинчиси тан жароҳати олган.

• Туркиянинг Анталия музофотида сайёҳларни олиб кетаётган автобус ҳалокатга учраши натижасида 13 нафар сайёҳ ва автобус ҳайдовчиси тан жароҳати олган. Маҳаллий полициячиларнинг маълум қилишича қурбонлар йўқ.

• Багам ороллари пойтахти Нассау шаҳрида йўловчи ташувчи самолёт кўниш вақтида кўнгилсизликка учради. АҚШнинг Орландо штатидан парвозни амалга оширган «JetBlue» авиакомпаниясига тегишли бўлган мазкур лайнер ерга қўнаётган вақтида тутаё бошлаган. Тезкор чора-тадбирлар амалга оширилиши туфайли унинг бортидаги 89 киши зудлик билан эвакуация қилинган.

• «Reuters» ахборот агентлиги хабарига кўра, Кариб денгизи шимоли шарқида «Эрика» тропик довули пайдо бўлган. Мазкур довул айна пайтда соатига 65 километр тезликда ҳаракатланаётгани маълум қилинмоқда.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган «18 ёш «Камолот» ёшим» мустақилликнинг тенгдошим» лойиҳаси доирасида «Камолот» фаоллари иштирокида ўтказилган семинар-тренинг «Камолот» — менинг ташкилотим» деб номланди.

✓ **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тўйгепа» маҳалласида туман маданият ва спорт ишлари бўлими, «Маҳалла» жамағатининг туман бўлими ҳамкорликларида маҳалла фаоллари, ёшлари иштирокида уюштирилган адабий кеча ва концерт дастури «Мустақиллик нашидаси» деб номланди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Бадиий академияси ташаббуси билан Тасвирий санъат галереясида рангтаъсир ва графика йўналишида ижод қилаётган rassomлар ўртасида асим пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишлаб уюштирилган кўрик-танлов голиблари тақдирланди.

✓ **МИРОБОД** туманидаги Фафур Фулом номли маданият уйдига туман фахрийлари ўртасида шахмат бўйича ўтказилган мусобақалар Тошкент шаҳар корейс миллий маданият маркази ҳамда Миробод туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида уюштирилди.

ТАДБИРКОР

Мамлакатимизда тадбиркорлик ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, унинг эркинликларини таъминлаш энг муҳим омиллардан ҳисобланади. Сабаби иқтисодиётимиз ривожига тадбиркорлик фаолияти катта ўрин тутади. Шу боис тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш давлатимиз юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ҳамда маҳаллий ҳокимият, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг, айниқса кичик бизнес субъектларининг қонуний ҳақ-ҳуқуқларига риоя қилиши, рухсатномалар олишда, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда бюрократик тўсиқларга йўл қўймаслиги устидан қатъий назоратни таъминлаш борасида бир қатор вазифаларни амалга оширмақда.

Юртимизда тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ҳозирда Тошкент шаҳри бўйича 43 670 та тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтган бўлиб, шундан фаолият кўрсатмаётганлари 6 623 тани ташкил этади. Давлат рўйхатидан ўтган яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари эса 24 000 тадан иборат бўлиб, уларнинг ўз йўналиши бўйича фаолият юритиши етарлича таъминланган.

Шунингдек, мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кафолатловчи қонуний ҳужжатлар мавжуд бўлиб, улар фаолиятига тўсиқ бўлган ҳар қандай ҳолатлар юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга ва "Ишонч телефони"га тадбиркорлик субъектларидан 38 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шулардан 24 тасига ҳуқуқий тушунтиришлар берилган. 14 та мурожаат бўйича ҳуқуқ тикланган ҳолда қаноатлантирилган. Масалан, "Ишонч телефони"га қилинган мурожаат юзасидан киритилган тақдимномага асосан, ОАИТ "Ипак йўли банк"нинг "Пул муомаласи" бўлим бошлиғига нисбатан

интизомий жавобгарликка тортиш чораси кўрилган.

Бундан ташқари, бошқарма томонидан янгидан ташкил этилаётган ва фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини тартибга солиш, уларни

эса ўтган йил 3 418 тани ташкил этган бўлса, ушбу 2009 йилда 1 604 та бўлиб, бу аввалги йилга нисбатан 55 фоизга камайганини билдиради. Бу ижобий кўрсаткич эса тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш,

жасига кўра, 11 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган. "Текширишларни рўйхатга олиш китоби"ни тўлдиришининг белгиланган тартибларини бузишга йўл қўйган идораларга 11 та тақдимнома киритилди. Шундан 6 таси давлат солиқ идорасига, 1 таси ПХСВОЖДЛҚД га ва 4 таси бошқа назорат органларига киритилган тақдимномалардан иборатдир. Ушбу киритилган тақдимномаларга асосан 2 нафар шахсга нисбатан интизомий жарима қўлланилган.

Дарҳақиқат, бугунги кунда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, амалий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда уларга нисбатан қўйилаётган ҳар қандай кўри-нишдаги тўсиқларни олиб ташлаш ва банкротликка йўл қўймастик, эмин-эркин меҳнат қилиши қонуний билан кафолатланган. Бу эса юртимизда тадбиркорлик фаолияти янада ривожланишига олиб келиши баробарида иқтисодиётимизнинг барқарор истикболига мезон ясайди.

**Султон УРУНБОВЕВ,
Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг бош маслаҳатчиси**

Ҳуқуқий ҳимоя

ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ САМАРА БЕРМОҚДА

нига мурожаат этиш имконияти яратилган. Хусусан, жорий 2009 йил 1 июнь ҳолатига кўра, бошқарманинг "Ишонч телефони"га тадбиркорлик субъектларидан 38 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шулардан 24 тасига ҳуқуқий тушунтиришлар берилган. 14 та мурожаат бўйича ҳуқуқ тикланган ҳолда қаноатлантирилган. Масалан, "Ишонч телефони"га қилинган мурожаат юзасидан киритилган тақдимномага асосан, ОАИТ "Ипак йўли банк"нинг "Пул муомаласи" бўлим бошлиғига нисбатан

қўллаб-қувватлаш бўйича бар-чача ҳужжатларга ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қатъий риоя қилиниши устидан назоратни таъминлаш юзасидан тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, назорат қилувчи идоралар томонидан ҳўжалик юри-тувчи субъектларда ўтказил-диган текширишларнинг қону-нийлиги устидан назоратни таъминлаш юзасидан режа асосида ўтган 2008 йилда 2 434 та, жорий йилда 1 281 та текширишлар ўтказилган. Умумий текширишлар сони

улар фаолиятига ноқонуний аралашув ва текширувларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар натижасида кўринади.

Шунингдек, бугунги кунга қадар Тошкент шаҳрида фао-лият юритаётган 57 000 та тадбиркорлик субъектлари "Текширишларни рўйхатга олиш китоби" билан таъмин-ланган.

Тошкент шаҳрида жойлаш-ган 11 та туманда фаолият юритаётган 200 та тадбиркор-лик субъектларида монито-ринг ўтказилиб, унинг нати-

Шунинг баробарида кичик биз-неснинг қўшимча ишчи ўринлари ташкил этишдаги аҳамиятини ало-ҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда юртимизда иш билан банд аҳолининг 76 фоиздан ортиги ай-нан шу соҳада меҳнат қилаётгани эътиборлидир.

Албатта, рақобатбардош маҳсу-лот турларини харидорларга тор-тиқ этаётган ишлаб чиқарувчилар илғор технологияларни қўллаган ҳолда юксак унумли замонавий тех-нологик линиялар қувватидан са-марали фойдаланаётгани яхши натижалар бермоқда. Россия, Тур-кия ва Хитойдан келтирилган иш-лаб чиқариш ҳамда қадоқлаш ли-ниялари ўрнатилган «Тошкент ма-нуфактура» хусусий корхонасида ҳам бугунги кун талабларига мос маҳсулотлар тайёрланиб, улар ҳар жиҳатдан четдан олиб келинадиган товарлар билан рақобатлаша олади.

Корхонада 30 нафардан зиёд малакали мутахассис меҳнат қил-моқда. Уларнинг изланиш ва ма-ҳоратлари самараси айни пайтда тайёрланаётган 90 турдаги хилма-хил соч ювиш ҳамда тозалаш вос-ситаларида яққол акс этмоқда.

Маҳсулотларимизни харидор талаб ва эҳтиёждан келиб чиқ-қан ҳолда қадоқлаймиз, дизайн-га алоҳида эътибор қаратамиз, — дейди корхона бош директори Баҳром Аҳмеджонов. — Барча маҳ-сулотларимиз сертификатланган. Айниқса, илғор технологияларни қўллаган ҳолда ишлаб чиқарилаёт-ган шампуларимиз нафақат со-чларни тозалашда, балки унинг соғломлиги ва мустаҳкамлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Жорий йилда яна бир нечта маҳсулот турларини хари-дорларимизга тортиқ этишни ре-жаланишда ва бу борадаги изла-нишларни давом эттираямиз. Шунингдек, хорижий ишбилар-монларимиз билан ҳам алоқалар-ни мустаҳкамлашга интилаямиз.



Хусусий тадбиркорлик

ХАРИДОРГИРЛИГИ ОРТМОҚДА

Ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан таъминлашда яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланаётган, ташаббус билан янги соҳалар яратётган тадбиркорларнинг ҳиссаси катта.

Келгусида экспортни йўлга қўйиб, ташқи бозорга чиқишни ҳам мўлжаллаганимиз.

Тадбиркорлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришни мақсад қилган ҳолда айни пайтда Италиядан янги техно-логик ускуна келтиришга ҳаракат қилишмоқда. Шу асосда янги маҳ-сулот турлари ҳам яратилади.

Янги ускунанинг ўрнатилиши натижасида кукунли ювиш воси-таси тайёрланади ва қўшимча ишчи ўринлари ҳам яратилади.

Бугунги саъй-ҳаракатларнинг бар-часи ана шунга қаратилган бўлиб, ҳозирда мамлакатимиз бозорига корхонанинг ўрни мустаҳкамланиб, маҳсулотлари харидоригирлиги ор-тиб бормоқда.

**Шарифа ИЛЁSOVA
СУРАТДА: корхона мутахас-сисларининг изланишлари тай-ёрланаётган янги маҳсулот турларида ёрқин акс этмоқда.
Ҳақимжон Солихов олган сурат**

Кичик бизнес

РАҚОБАТБАРДОШ ТОВАРЛАР

Жорий йилда кичик бизнесни янада қўллаб-қувватлаш вазифаси ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этишни Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Айтиш жоизки, кейинги пайтларда кичик бизнес янги-янги иш ўринлари яратибда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, бозорбо маҳсулотлар тайёрлаш-да, талаблар даражасидаги хизматларни ташкил этиш-да ҳам кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликнинг ўрни салмоқли бўляпти. Ҳозир бизнинг шароитимиз-да иш билан банд аҳоли даромадининг 70 фоиздан ортиги ушбу соҳага тўғри келмоқда.

Шу боис ҳам мустақил юртимизда тадбиркорлик ри-вожига юксак эътибор қаратилиб, уларнинг сафлари сон ҳамда сифат жиҳатидан ортишига эришилмоқда. Ана шундай кичик бизнес субъектларидан бири пой-тахтимиздаги «Арсон пластик» масъулияти чекланган жамияти бўлиб, корхонада четдан келтириладиган қадоқлаш ашёлари ўрнини босувчи рақобатбардош маҳ-сулотлар ишлаб чиқарилмоқдаки, бу борада уларга хо-риждан келтирилган замонавий технологик дастгоҳ ва ускуналар кўл келмоқда.

Корхона директори Мирзохид Мираҳмедов ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар хусусида тўхталар экан, уларнинг сифати, харидор талабига мос дизайнига қаратилаётган эътибор, янги технологиялар устида олиб борилаётган изланишларни алоҳида таъкидла-ди.

— Фаолиятимизни бошлаганимизга кўп вақт бўлма-сада, доимий бюртмачиларимиз бор, — дейди у. — Бунинг асосий боиси бозорни ўрганиш, харидор тала-бидан келиб чиқиб маҳсулот тайёрлашдир. Иш бош-лаган давримизда шишадан тайёрланган кефир идиш-лари ўрнини босадиган 0,5 ва 1 литрлик пластмасса қадоқлаш ашёсини ишлаб чиқаришни йўлга қўйган бўлсак, бугунги кунда маҳсулотларимиз турлари кўпай-иб кетди. Айни пайтда эса «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан ҳамкорликни режалаб турибмиз. Биз асосан бундай маҳсулотларни маҳал-лий хом ашёдан тайёрлашга ҳаракат қилаяпмиз. Маҳ-сулотларимиз шу боис ҳам четдан келтириладиган шун-дай товардан бирмунча арзон ва қўлайлик томони чет эл компанияларидан бундай қадоқлаш ашёларини фа-қатгина катта туркумдагина олиш мумкин. Бу кичик корхоналар учун ноқўлайлик туғдиради. Корхонамиз эса исталган ҳажмда бюртмачиларни бажариб бера олади.

Кичик корхонанинг йиллик қуввати 1 миллион дона идиш тайёрлашни ташкил қилади. Ҳозирда 50 фоиз-дан юқори қувват билан ишлаётган тадбиркорлар, келгусида бюртмачиларни жалб этган ҳолда тула қув-ват билан маҳсулот тайёрлашни мақсад қилишган. Шу-нингдек, хориждан яна бир янги технологик линия кел-тирилиб 10-15 нафар ёшларга ишчи ўринлари ярати-лади. Бунинг учун «Ипотека банки»дан молиявий ёрдам олинмоқда.

Айни пайтда корхонада «Шўртангаз» кимё мажмуа-си хом ашёсидан фойдаланишмоқда. Тадбиркорлар ҳозирда изланишларни давом эттирган ҳолда янги тех-нологиялар устида ишлашмоқда. Агарда ушбу лойиҳа амалга ошса, иссиқ озик-овқат маҳсулотлари учун тур-ли хил сифатли қадоқлаш ашёлари ишлаб чиқаришга мўваффақ бўлинади. Энг муҳими эса тадбиркор жа-моа аҳли ўз меҳнатлари билан иқтисодиётимиз риво-жига муносиб ҳисса қўшишни мақсад қилишган.

Дилноза СОДИКОВА

Янги қўшма корхона

«MAN» ЮК МАШИНАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

Мамлакатимизда автомобилсозлик ва машинасозлик саноати ривожланиб бормоқда. Куни кеча янги «JV MAN Auto — Uzbekistan» қўшма корхонасининг иш бошлаганлиги ҳам бунинг яққол далилидир.

Мазкур қўшма корхона республикамизнинг Самарқанд шаҳрида ташкил этилиб, унинг таъсисчилари «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ва Германиянинг «MAN Нутцфар-цойге АГ» компаниясидир. Куни кеча корхо-нада янги маҳсулот «MAN» юк машиналари ишлаб чиқаришга киришилганини таъкид-лаган ҳолда мазкур қўшма корхона «MAN SE» компаниялари гуруҳининг МДХ давлат-ларида ташкил этилган ва «MAN» юк маши-наларини саноат миқёсида йиғишни амалга оширувчи биринчи ва ҳозирда ягона ишлаб чиқариш корхонаси эканлигини ҳам айтиш лозим.

Қўшма корхонанинг ташкил этилиши ва илк маҳсулотини чиқариши муносабати билан пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмон-хонасида ўтказилган матбуот анжуманида ҳар икки томон вакиллари иштирок этиб, журна-листларни қизиқтирган барча саволларга ба-тафсил жавоб беришди, янги корхонанинг ол-дида турган мақсад ва вазифалари хусуси-да маълумот беришди.

— Мазкур янги қўшма корхона мамлақати-миз машинасозлик ривожига муҳим аҳамият касб этади, — дейди «Ўзавтосаноат» АК раи-си ўринбосари Файрат Ниязов. — Айтиш жо-изки, юртимизда иқтисодиётимизнинг турли соҳаларида юк машиналарига эҳтиёж катта. Биринчи босқичда мазкур қўшма корхонада шатакчи, бортли автомобиллар ва турли ҳаж-мдаги оғир юк кўтаришга мўлжалланган са-мосваллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштирилган. Жаҳон бозорига машхур бўлган «MAN Нутцфарцойге АГ» компания-сининг республикамиз бозорига келиши, мамлакатимизда фақатгина тижорат транс-портни ишлаб чиқаришда янги йўналишни очибгина қолмай, балки «MAN» компания-лар гуруҳи ва юртимиз ўртасидаги алоқа-ларни ҳар томонлама ривожлантиришга асос бўлади, деган умиддамиз.

«MAN SE» компаниялар гуруҳи Директор-лар кенгаши раиси Хокан Самуэльссон ўз сўзида Ўзбекистон катта имкониятлар мам-лакати эканлигини алоҳида таъкидлаб, шун-дай кучли ва ишончли шерик билан ҳамкор-ликдан мамнунлигини изҳор этди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, «MAN Нут-цфарцойге АГ» — «MAN» гуруҳининг энг кат-та корхонаси бўлиб, у жаҳон бозорига рель-сиз транспорт воситалари ишлаб чиқарув-чи ҳамда транспорт муаммолари ечимини иш-лаб чиқувчи ҳисобланади. Корхонада турли вазифаларни бажаришга мўлжалланган ва турли оғирликдаги юк ташувчи машиналар, йўловчи ҳамда сайёҳлар учун автобуслар, 250 тоннагача оғирлик кўтарувчи махсус оғир транспорт воситалари ишлаб чиқарилади. 36 минг ишчи фаолият кўрсатаётган компания-да ўтган ҳўжалик йилида савдо ҳажми 10,6 миллиард еврони ташкил этиб, 96,4 мингдан ортиқ юк машиналари, 7,2 мингдан зиёд ав-тобуслар ҳамда «MAN» ва «NEOPLAN» русум-ли автобус шассилари сотилгани унинг ну-фузини кўрсатиб турибди.

Янги ташкил этилган қўшма корхонада йи-лига 2000 та автотранспорт воситаси тайёр-лаб бериш режаланган бўлиб, илк босқичда ишлаб чиқариш Самарқанд автономияли за-води билан ҳамкорликда ташкил этилади. Келгусида, албатта корхона маҳсулотлари-ни хорижий давлатларга экспорт қилиш ҳам кўзда тутилган.

Шарофат БАХРОМОВА

ЎЗ ФОЙДАСИНИ ЎЙЛАБ...

Бугунги кунимизни компьютерсиз тасаввур қилиш қийин. Бунинг қўлайликларини санаб адоғига етолмайсиз. Усиз ҳаётни худди ўтган асрдаги ёзув машинкаси ҳаётдек тасаввур қилишда, баъзилар. Аммо бир ўйлаб кўринг-а, ёзув машинкасининг қандай салбий жиҳатлари бор эди? Афсуски, айрим кимсалар компьютер орқали ўз фойдасини кўзлаб жуда кўп қинғир ишлар ҳам қилишмоқда.

Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси хо-димлари томонидан Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур ту-мани, «Навий» савдо тармоғига ўтказилган тадбир-да ана шундай жирканч ишлар билан шугулланувчи «тадбиркорлар» фож этилди.

Жумладан, хусусий тадбиркор У.К.Жалолов (мақо-ладаги барча исм-шарифлар ўзгартирилган) фуқа-ро У.А.Жалолов билан ўзаро тил бириктириб, те-гишли тартибда рўйхатдан ўтмасдан аҳолига пуллик компьютер хизмати кўрсатган. Фаолияти давомида муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириб, ҳеч қандай ли-цензия ва рухсатномага эга бўлмай, турли фильм ва дастурларни қонуний эгасининг рухсатсиз тарқ-атгани етмагандек, фуқароларга ҳар хил хорижий порнографик видео-лавҳаларни ёзиб бераётганла-ри аниқланди.

Бундан ташқари, фуқаро У.Жалилов мижозларга жами 3.000.000 сўмлик хизмат кўрсатганлиги, ушбу пул маблағларини хусусий тадбиркор У.Жалоловга бериб, НКМдан ўтказмасдан банкка инкассация қилинганлиги аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан хусусий тадбиркор Умид Жалолов ва фуқаро Улаш Жалиловларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг те-гишли моддалари билан жиноят иши кўзгатилиб, ҳуқуқбузарлар суднинг қонуний ҳуқмига асосан жа-зосини олишди.

**Ўқтам ПИРМАТОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги
СВОЖДЛҚК Департаменти
Тошкент шаҳар бошқармаси
Бош суриштирувчиси**

Айниқса, маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг олиб бораётган ишлари эътиборга сазовордир.


Учтепа туманидаги Юсуф Сақокий маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Мухайё Ақромжўева 2004 йилдан буён юқоридаги лавозимда фаолият кўрсатиб, маҳалланинг суянчи ва сирдошига айлиб улгурди.

Унинг Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишлаб чоп эттирган «Каштачилик» ўқув услубий қўланмасини, маданий меросимизга, аяна ва қадриятларимизга бўлган юксак эҳтиром-

Оиланинг саранжом-саришталиги, осойишталиги, файз-баракиси, фарзандлар тарбияси кўп жиҳатдан оналарга, аёлларга боғлиқ эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Аёл келажак авлодни яратувчи меҳру саховатли, сабру қаноатли, муқаддас ва улуғ зотдир. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда хотин-қизларга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

қат аёлларгина тушунади, — дейди Мухайё опа биз билан суҳбатда. — Шунинг учун хар бир хонадонга бемалол кириб бориб, аёлнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этишга кири-

«Ёш келин-куёвларнинг тиббий кўриқдан ўтишлари аҳамияти сингари кўплаб мавзуларда давра суҳбатлари, турли хил қизиқари учрашувлар ўтказиб келаялми. Бундан, албатта ма-



Янги ўқув йили бошланиши билан кўчалар ва жамоат транспорти яна болалар билан гавжумлашди. Бундай шароитда фарзандларимизнинг хавфсизлигини таъминлаш янада долзарб аҳамият касб этади.

ИЗЧИЛ ТАДБИРЛАР САМАРАСИ

Шу муносабат билан мамлакатимизда анъанавий «Диққат, болалар!» тадбири бошланди. Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан тегишли ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликда ўтказилмоқда.

Янги ўқув йилининг дастлабки ўн кунини қамраб оладиган ушбу тадбир доирасида йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, жамоат тартибини сақлашга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишлари ўтказилаётди.

Уни ушқоқлик билан ўтказиш мақсадида республикамиздаги мавжуд мактабларга йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати инспекторлари бириктирилди. Транспорт катнови гавжум кўчаларда жойлашган мактаблар атрофи ҳамда болалар гавжум бўлаган йўлларда ҳам инспекторлар хизмати йўлга қўйилди.

Поїтахтимизда транспорт воситалари катнови нисбатан анча тифизлигини ҳисобга олиб Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси томонидан шаҳардаги мавжуд 302 умумий ўрта таълим мактаби атро-

фидаги кўчалар тўлиқ кўриқдан ўтказилди. Ҳаракат хавфсизлиги билан боғлиқ белгилар янгиланиб, светофорларнинг созилиги тўлиқ таъминланди.

Ҳозирги кунда мактабларга бириктирилган соҳа ходимлари ўқувчиларни, айниқса, мактаб оstonасига илк қадам қўйган болаларни йўл ҳаракати қоидалари билан таништириш баробарида уларни қўтиб олиш, дарс тугагандан сўнг кузатиб қўйиш ишларини амалга оширмоқда. Шу билан бирга, улар мактабларда болаларнинг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ ҳолатларни доимий назорат қилиб бормоқда. Шунингдек, таълим тизимига фан сифатида киритилган йўл ҳаракати қоидаларини дарсининг самарадорлигини оширишда педагогларга яқиндан ёрдам бермоқда. Мактабларда ўқувчилардан ташкил этилган «Ёш йўл назоратчилари» гуруҳлари бу борадаги ишларни амалга оширишда фаол иштирок этаётди.

Изчил амалга ошириладиган бундай тадбирлар ўз самарасини бераётди. Болалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари йилдан-йилга камаётгани бунинг далилидир.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА МУХБИРИ

Таълим

БИЗ ҲАММАДАН БАХТИЁРМИЗ

Барча олий ўқув юртларида коллеж ва академик лицейларда ҳамда мактабларда янги ўқув йили катта тантана билан бошланди.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида бўлиб ўтган тадбир «Биз ҳаммадан ҳам бахтиёрмиз» деб номланди. Тадбирда институтнинг профессори Абдухалил Маврулов ёшларни янги ўқув йилининг бошланиши, талабалikka қабул қилинган йигит-қизларни илк сабоқ кунлари ҳамда мустақиллигимизнинг ўн саккиз йиллиги билан барча ўқитувчи ва талабаларни муборакбод этди.

Шунингдек тадбир доирасида институтнинг биринчи курс талабалари ўзларининг дил ихорларини сўзлаш баробарида талабалик деган шарафли номга лойиқ бўлишга ваъда беришди.

Институтнинг фольклор, эстрада йўналишидаги бадиий жамоалари ўзларининг дилбар куй ва кўшиқлари, жозибали рақслари ва саҳнавий кўринишлари билан барча йигилганларни хушнуд этди.

САРАЛАНГАН ҚЎШИҚЛАР

Ўзбекистон Давлат консерваториясида бўлиб ўтган «Саломимни қабул айланг» деб номланган байрам дастури истиқлолимизнинг ўн саккиз йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишлаб ўтказилди.

Концерт дастурида консерваториянинг халқ чолғулари, эстрада, вокаль, фортепиано, пианино ва маком йўналишлари бўйича тахсил олаётган талабалари ўзларининг куй ва кўшиқлари билан байрам тадбирининг мазмунли ва марокли ўтишига муҳим ҳисса қўшдилар.

Концерт доирасида саралаб олинган энг сара куй ва кўшиқлар ижро этилди. Тадбир сўнггида талабалар ўз устозларига гулдасталар тақдим этдилар.

ҲУНАРЛИНИНГ ҚЎЛИ ГҮЛ

Учтепа туманидаги Миллий хунармандчилик касб-хунар коллежи ўқувчилари ҳам янги ўқув йилини кўтаринки кайфиятда бошладилар.

Коллеж миқёсда «Миллийлигимиз асослари» деб номланган кўрғазма ташкил қилинди. Унда ўқув муассасасининг тикувчилик, дизайнер, заргарлик ва кулолчилик гуруҳлари таътил давоминда ўз қўллари билан ишлаган маҳсулотларини намойиш этдилар. Кўрғазмага қўйилган ҳар бир маҳсулотда миллийлигимиз, аяна ва қадриятларимиз ифори уфуриб турганлиги билан диққатга сазовор бўлди. Айниқса заргарлик гуруҳи йигитлари томонидан ясалган қадимий тақинчоқлар, дизайнчи кизлар томонидан ишланган кийимлардаги туморлар ва мунчоқларнинг қадалиши, турли хил жилода товланши, тикувчи кизлар томонидан тикилган атлас адрас нимчалар ва кўйлақлар галереяси барчанинг эътиборини тортди.

БАРКАМОЛ АВЛОД ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Давлат физкультура институтинида бўлиб ўтган тадбирда ҳам институтга қабул қилинган талабалар ўз дил ихорларини катта ҳаяжон билан изҳор этдилар. Шу кунини институтнинг футбол, баскетбол ва кураш факультетлари талабалари турли хил спорт чиқишларини намойиш этдилар.

Тадбирда институт ўқитувчилари, талабалар ва ота-оналар сўзга чиқиб, мамлакатимизда ёш авлод келажак йўлида олиб бориладиган савий-ҳаракатлар, уларга яратиб бериладиган шарт-шароитлар ҳақида гапириш баробарида давлатимизга ва муқтарам Президентимизга миннатдорчилик билдирдилар.

Гулҳаера ДҮРДИЕВА

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси жамоаси қўмити раиси Ш.Ҳикматовга куёви
Раҳман ХАЙДАРОВ
ҳамда яқинлари
Мавжуда АБДУЛЛАЕВНА ва
Малика ТҲҲИЧЕВНАнинг
бевақт вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Маҳаллаларда

ҲАМЖИҲАТЛИК БАРАКА КЕЛТИРАДИ

нинг бир кўриниши деб аташ мумкин. Мухайё опа кизларимизнинг бўш вақтларини унутмай ўтказиш, уларнинг бирор-бир хунари мукамил эгаллашлари йўлида астойдил ҳаракат қилмоқда. Опанинг «Зардўзлик» ўқув услубий қўланмасидан ҳам неча йилдирки, ўқувчилар ижодиёт марказлари ҳамда мактабларда самарали фойдаланиб келинмоқда.

Жумладан, маҳаллада ўтказилиб келинаётган «Ёш чеварлар», «Ёш хунармандлар», «Дўппи тикдим ипақлари тиллодан» танловлари ҳам унинг ташаббуси билан ташкил қилинган.

Мухайё Ақромжўеванинг меҳнатлари муносиб тақдирланиб, у 2004 йилда давлатимиз томонидан «Меҳнат шухрати ордени» билан мукофотланди, жорий йилда эса «Маҳалла кўни» муносабати билан ўтказилган «Энг фаол диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари маслаҳатчиси» кўриқ-танловининг шаҳар миқёсида иккинчи ўринни эгаллади.

— «Кўш тилини қўш биланди», деганларидек аёлларнинг дардини, оилавий муаммоларини, фарзандлар тарбияси бўйича турли хил масалаларни фа-

шишимиз бирмунча енгилроқ. Шундай аёллар борки, дардини кимга айтишни, кимдан маслаҳат олишни билмайди. Ана шундай вақтда уларга маслаҳат ва кўмак беришда маслаҳатчининг ёрдами жуда асослидир. Бу эса бизнинг ишимизнинг асосини ташкил этади. Иш тажрибамдан шу нарса маълум бўляптики, маҳалла аёллари билан суҳбатлашиб, улар моддий ёрдамдан кўра маънавий кўмакка кўпроқ муҳтож эканликларини тушундим. Айниқса, ёлғиз кексалар, ногиронлар, ҳомилдор аёллар биз билан тез-тез суҳбатлашиб туришни хошлашади. Маҳалламизда 17 та кўча мавжуд бўлиб, унда 3040 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шунини айтиш жонзори, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, кизлар саломатлиги, одоб-ахлоқи, оилада тиббий маданиятни ошириш, уларни турмушга тайёрлашга, айниқса жиддий эътибор қаратганимиз. Шуларни назарда тутган ҳолда турли соҳа мутахассислари билан аёллар, ёшлар ва кизлар ўртасида «Соғлом оила—соғлом жамият», «Қиз бола бўлғуси она», «Гийёвандлик—умр заволи», «Қиз бола ибоси билан гўза», «Миллатнинг эртаси», «Оила тилсимини»,

ҳалламиз аҳли хурсанд. Шу билан бирга маҳалла гузарига кизларни хунарга ўргатиш мақсадида каштачилик, зардўзлик ва тикиш тўғрақларини ташкил этганимиз. Ишсизларни иш билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Маҳалламизнинг ўзаро аҳиллиги, тинчлиги, саломатлиги ва бахту саодати йўлида қўлимиздан келган барча эзгу амалларни, савий-ҳаракатларимизни аямаслигимиз зарур деб ўйлайман. Маҳалла тинчлиги, осойишталиги, саранжом ва саришталиги, аввало шу маҳаллада истиқомат қилувчи маҳалла йўлбошчиларига, фаолларига ва ахлига боғлиқ. Айниқса, бунда аёлларнинг ўрни бежиздир. Чунки маҳаллада истиқомат қиладиган хар бир оиланинг тинчлиги, хотиржамлиги ҳамда орасталигида аёлларнинг алоҳида хизматлари бор. Албатта келгусида қиладиган ишларимиз кўп. Энг муҳими маҳалладашларимиз ишончини доимо оқлашимиз шарт.

Дарҳақиқат, «Маҳалланг — ота-онанг» деб бежиз айтилмайди. Зеро ахиллик, бирдамлик, ҳамжиҳатлик бўлган жойда доимо меҳр-оқибат, тинчлик-товуллик бўлиши, шубҳасиз.

Гуллиноҳ САТТОВОРА

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун ОЧИҚ ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛАДИ

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарда йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси мавжуд (тавсиф қилинадиган хар бир автотранспорт воситаси учун лицензия варақчаларига эга бўлиши шарт), юридик шахс мақомига эга бўлган ташувчилар иштирок этиши мумкин.

Тендерга қуйидаги йўналишлар қўйилади:
1.2009 йил 15 октябрь соат 10.00 да

№	Йўналиш рақами	Йўналиш номи	Ҳаракат таркиби тури
1	7 И	«С.Раҳимов метро бекати—Чилонзор буюм бозори АШБ»	Микроавтобус
2	28М	«ТТЗ АШБ—Олой бозори бекати»	Микроавтобус
3	31М	«Қорасув-1 даҳаси АШБ—Буюк Ипақ йўли метро бекати»	Микроавтобус
4	44М	«Белтепа мавзеси—Пахтакор АШБ»	Микроавтобус
5	52М	«Ибн Сино- 2 мавзеси—Пахтакор АШБ»	Микроавтобус
6	96М	«Чуқурсой станцияси—Чорсу савдо маркази АШБ»	Микроавтобус
7	118М	«Сергели-7-даҳаси АШБ—Жаҳон тиллари университети»	Микроавтобус
8	124М	«Ўрикзор мавзеси АШБ—Пахтакор АШБ»	Микроавтобус
9	127М	«Чорсу савдо маркази АШБ—17- шаҳар шифохонаси»	Микроавтобус
10	132М	«Қўйлик МЗ АШБ—Астробод маҳалласи (Сувсоз мавзеси)	Микроавтобус
11	144М	«Гулистон маҳалласи—Х.Абдуллаев метро бекати»	Микроавтобус
12	164М	«Истироҳат АШБ—Чорсу савдо маркази АШБ»	Микроавтобус
13	165М	«Чорсу савдо маркази АШБ—Гулистон маҳалласи»	Микроавтобус

Тендер ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 январдаги 11-сонли қарори асосида Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти.

Тендерда иштирок этишни хоҳловчилардан буюртманомаларни қабул қилиш ва тендер ҳужжатлари пакетини бериш тендер ўтказилишидан 5 кун олдин тугалланади.

Тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги ЧО-АКБ «Infin BANK»даги 20210000504197971001 х/р (банк коди 01041, ИНН 204094453, ХХТУТ 51600)га **118 минг 900 сўм** ўтказилади.

Тендер тақлифларини қабул қилиш тендер ўтказиладиган кундан бир кун олдин (соат 17.00 да) тўхтатилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй.

Маълумот учун телефон рақами: 233-89-58.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЕАЖ бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

I. Аукцион савдосига М.Улуғбек тумани СИБ томонидан:
1. «NISSAN ALMERA» русумли, д/р D439PKM бўлган, 1996 йилда и/ч. Тошкент ш. Божхона бошқармаси жарима майдончасида сақланайтган, автотранспорт воситаси қўйилмоқда (ижро ҳужжати 24.09.08), №1-712-08). Бошлангич баҳоси — 12 930 000 сўм;
2. «Нексия» русумли, д/р 01С528ВА бўлган, 2003 йилда и/ч. М.Улуғбек тумани ЖИБ суди ҳовлисида сақланайтган, автотранспорт воситаси қўйилмоқда (ижро ҳужжати 25.05.09), №1-310/09). Бошлангич баҳоси — 9 999 000 сўм.

Aукцион савдоси 2009 йил 13 октябрь кун соат 11:00да бўлиб ўтади.
Талабгорлар лицензияли Оқридаги автотранспорт воситаси 2009 йил 13 октябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситасини сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2009 йилнинг 5 ноябрь кун бўлиб ўтишини олдиндан маълум қилади. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 228-79-52 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий веб-сайти орқали олишингиз мумкин.

Шунингдек 2009 йил 29 сентябрь кун соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари такроран арзонлаштирилган нархда қўйилмоқда:

I. Учтепа тумани СИБ томонидан:
1. «ЕМВ-520» русумли, д/р Х332СХН бўлган, 1993 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 31.07.2008), №263/08). Бошлангич баҳоси — 11 542 500 сўм;
2. «Камаз-5320» русумли, д/р 10АР388 бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 30.04.2008). Бошлангич баҳоси — 11 785 500 сўм;
II. Чилонзор тумани СИБ томонидан: Чилонзор тумани, 3-мавзевда жойлашган, «Шах-странс-Хизмат» МЧК 80-сонли автоуловлар тураргоҳида сақланайтган, «Мерседес Бенц Е-200» русумли, д/р 30R1110 бўлган, 2002 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда (ижро ҳужжати 23.01.2008), №1542/12). Бошлангич баҳоси — 40 380 898 сўм.
III. Яққасарой тумани СИБ томонидан (ижро ҳужжати 06.02.09), №2-70 асосан) хатланган, «Муйнок» жарима майдонда сақланайтган:

1. «Нексия ГБА СНГ» русумли, д/р 18М7004 бўлган, 2004 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 14 627 700 сўм;
2. «Нексия» русумли, д/р 30Z6799 бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 12 406 500 сўм;
3. «Нексия Донс» русумли, д/р 30E7447, 2003 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 14 120 100 сўм;
4. «Нексия» русумли, д/р 30R5777 бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 15 091 200 сўм;
5. «Нексия» русумли, д/р 30R2922 бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 14 733 900 сўм;
6. «BA3-21074» русумли, д/р 18N0785 бўлган, 2004 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 8 442 900 сўм;
7. «BA3-21070-120-21» русумли, д/р 10Q0540 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 9 849 600 сўм;
8. «BA3-21093» русумли, д/р 18B0058 бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 6 948 900 сўм;
9. Тошкент шаҳар Яққасарой тумани, Беларик кўчаси, 14-Е уй манзилида жойлашган йўл-жой (ижро ҳужжати 20.01.09), №2-164/08). Бошлангич баҳоси — 397 171 699,20 сўм.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари ва кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларини қабул қилиш аукцион савдосига бир кун олдинда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида катнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 %дан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини, хар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро аҳдатлари рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипақ йўли банки» Савбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Уразабоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.

«Ўздавнефтгазинспекция» Тошкент шаҳар бўлими, Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари фаолиятида учраётган муаммолар ечим юзасидан хар ҳафтанинг жума кунини «очиқ эшиklar кунини» деб эълон қилади.

«Очиқ эшиklar кунини»да нефть маҳсулотлари, табиий, суюлтирилган ва сиқилган газлардан фойдаланиш йўналишларида учраётган саволлар ёки муаммолар юзасидан муурожаат қилишлари мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, М.Улуғбек кўчаси, 32 «а»-уй.

Телефон: 268-09-49

Транспорт

ШОҲБЕКАТ ЧИРОЙ ОЧДИ

Пойтахтимизда йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш сифатини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Албатта, бу борада нафақат транспортчиларнинг, балки бунёд этилаётган шоҳбекат ва бекатларнинг ўрни алоҳида бўлиб, уларда яратилган қулай шарт-шароитлар намунали хизматга муносиб ҳисса бўлмоқда.

Дарҳақиқат шоҳбекатлар шаҳарларни, мавзеларни, даҳаларни бир-бирига боғловчи, транспорт воситалари ҳайдовчиларининг бироқ бўлсада дам олишларига шарт яратувчи масканлардан саналади. Пойтахтимизнинг Ҳамза тумани ҳудудида жойлашган «Авиасозлар» шоҳбекати ана шундай гавжум бекатлардан саналиб, айни дамда мазкур маскандан шахримизнинг кўпгина ҳудудларига йўловчи транспорти қатнайди ва аҳоли узоғини яқин қилади. Шу боис ҳам шоҳбекатда ҳаммиша одамлар гавжум бўлади, барча ўз манзили томон шошади.

— Албатта, бу ерда тўхтайдиган транспорт воситалари ходимларига ҳамда йўловчиларга қулай шарт-шароитлари яратишга ҳаракат қилияммиз, — дейди «2-автобус саройи» очик акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Убайдулла Валиев. — Шу боис ҳам Мустақилгимизнинг 18 йиллиги ва жонажон Тошкентимизнинг 2200 йиллик юбилей муносабати билан мазкур шоҳбекат ўзгача чирой очди. У Европа андозалари даражасига жавоб берадиган тарзда қайта барпо этилди. Шоҳбекатдан турли йўналишлар бўйича шахримиз ҳудудлари бўйлаб хара-

кат қиладиган транспорт воситаларининг асосий қисми саройимиз тасарруфида бўлгани боис ҳам бу ишга масъулият билан ёндашдик. Албатта, бу жамоамиз аҳлининг кўш байрамларга муносиб тўхфаси бўлди, десам янглишмайман.

Дарҳақиқат, айни кунда шоҳбекатда бўлсангиз, яратилган шарт-шароит ва қулайликлардан кўнглингиз тўлади. Йўловчилар учун чиройли ва мустаҳкам кутиш ўриндиқлари, транспорт йўналишларининг қатнов схемалари, келиб-кетиш ва оралик вақти кўрсатилган тахтачалар, шинам нозимхона, кичик тамадди-хоналар ўзига хослиги билан ажралиб турибди.

— Бугунги шоҳбекат аввалгисидан тубдан фарқ қилади, — дейди йўловчилардан бири Махфуза Турдиева. — Мен ҳар кун шу ердан хизматга отланаман. Албатта, бундай қулайлик, шинамлик йўловчиларнинг ҳам, ҳайдовчиларнинг ҳам кайфиятини кўтариб, хизмат сифатини оширишда муҳим ҳисса бўлади.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: «Авиасозлар» шоҳбекатида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари самараси барчани мамнун этмоқда.



ЯНГИ СПОРТ МАЖМУАСИ

Юртимизда соғлом авлодни тарбиялаш, уни комил инсон қилиб вояга етказиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Зеро, ёшларимиз ҳар тарафлама жисмонан соғлом, баркамол, ҳур фикрли, юртнинг қорига ярайдиган, қалбиди ватан туйғуси жўш урадиган асл фарзанд бўлмоғи лозим.

2200 йиллик юбилейи арафасида уларнинг қаторига яна бир янги «Ёшлик» болалар спорт мажмуаси қўшилди. Ушбу спорт мажмуасининг очилиши Юнусобод туманидаги Ҳасанбой маҳалласида истиқомат қилувчи фуқароларнинг, айниқса, болаларнинг

чексиз қувончига сабаб бўлди. Эндиликда ушбу маҳалланинг ёшлари барча қулайликларга эга бўлган, ҳақон андозаларига жавоб берувчи мухташам спорт мажмуасига Ҳасанбой маҳалласида истиқомат қилувчи фуқароларнинг, айниқса, болаларнинг

— Мазкур спорт мажмуаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Юнусобод тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда куриб фойдаланишга топширилди, — дейди «Ёшлик» болалар спорт мажмуаси директори Равшан Мамадалиев биз би-

лан бўлган суҳбатда. — Болалар бу ерда малакали спорт усталаридан сабоқ олишади. Спорт марказида бир вақтнинг ўзиде 500 нафардан ортиқ спорт билан шуғулланувчиларга хизмат қилиш имконияти мавжуд. Мажмуа болаларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун барча турдаги спорт анжумлари билан таъминланган.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, мажмуа нафақат шу маҳалла, балки шахримизнинг барча ҳудудларидан келиб шуғулланувчиларга ҳам бирдек хизмат кўрсатади.

Баҳодир ХОЛМАТОВ

Бугунги кунда ёшларимизнинг ўқиб, ўрганиб камол топишлари учун кенг имкониятлар яратилаётганлиги таҳсинга сазовордир. Бу борада уларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун бунёд этилаётган кўплаб спорт мажмуаларини алоҳида таъкидлашимиз мумкин. Жумладан, пойтахтимизда жойлашган мухташам Сув спорт саройи, турли шаклдаги очик ва ёпиқ теннис кортлари, ўнлаб футбол ўйингоҳлари, қўйинчи барча-барчаси ёшларнинг ихтиёрида.

Истиқомимизнинг 18 йиллиги ва азим пойтахтимизнинг

Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллик байрами тантаналари кенг нишонланаётган шу кунларда қорақалпоқ киноусталари яратган бир қанча картиналарнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

ФИЛЬМЛАР ТАҚДИМОТИ

Тадбирда олимлар, санъатшунослар, ёзувчи ва шоирлар, кенг жамоатчилик вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Сўзга чиққанлар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида санъат ва маданиятни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани, бунинг самараси ўлароқ, кино санъати ҳам тараққий этиб бораётганини таъкидладилар. Бу қорақалпоғистонлик киноижодкорлар фаолиятида ҳам яққол намоён бўлмоқда.

«Хурлиман» ҳужжатли фильми сценарийси Гулжаҳон Таҳеждинова қаламига мансуб. Унда Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида кўп йиллардан буён фаолият кўрсатиб келаётган мазкур бадиий ансамблининг ижодий фаолияти ўз ифодасини топган. Ёзувчи Муратбой Низанов сценарийси асосида суратга олинган «Менинг йиғит вақтим» картинасида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Байрам Матчоновнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти акс эттирилган. Ҳар иккала фильмнинг режиссёри Б.Низоматдинов.

Сценарий муаллифи ва режиссёр Тўраниёз Қалимбетов тақдим этган «Маърифат қалдирғочи» номли тарихий ҳужжатли фильмда қорақалпоқ элининг маърифатпарварларидан бири — Сайфулғабит Мажитовнинг эзгу ишлари ҳақида ҳикоя қилинади.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири

Болаларнинг аэропортда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда ота-оналар кутиб олишди. Ҳар бир миллатнинг асосий бойлиги — оналар ва болалар саломатлиги ҳисобланади. Айниқса, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига ёрдам бериш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш нафақат давлат ташкилотларининг, балки нодавлат ташкилотларининг асосий мақсадларидан бирига айланган.

Жамғарма ва Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Германиянинг «Фриденсдорф Интернейшнл» халқаро ташкилоти ҳамкорлигида уч томонлама битим имзоланганлиги ҳам мамлакатимизда аҳоли саломатлиги муҳофазаси йўлида олиб борилаётган ишларнинг амалий кўриниши дейиш мумкин. Ривожланаётган мамлакатлардаги 12 ёшгача бўлган бе-

ГЕРМАНИЯДА ДАВОЛАНИБ ҚАЙТИШДИ

Тошкент халқаро аэропортида Германияда даволаниб қайтган олти нафар болаларни кутиб олиш маросими ўтказилди.

мор ва ногирон болаларни даволаш ва реабилитация қилиш билан шуғулланаётган мазкур халқаро ташкилотнинг гранд маблагги ҳисобига бугунги кунга қадар юртимизда 200 нафардан ортиқ юқори лаб ва танглайнинг туғма нуқсонлари билан оғирган бемор болалар Тошкент Тиббиёт академияси ва бир қатор вилоятлардаги клиникаларда операция қилинди.

Германиядан қайтган болаларни кутиб олишда сўзга чиққанлар мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш, улар-

нинг соғлигига алоҳида эътибор қаратилаётгани қайд этилди.

— Мен олти ой давомида Германияда даволаниб қайтдим, — дейди Тошкент вилоятидан кетган Нигина Абдураимова. — Даволаниш курслари муваффақиятли ўтди, бундан жуда хурсандман. Бизга бу сингари имкониятларни яратиб берганликлари учун барча ташкилотчиларга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Энди мен ҳам ўз тенгдошларим қатори соппасоғман.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА,
«Туркистон-пресс»

— Мен уста (мастер)нинг ёрдамчиси Мирзаевман. «Ким бўламан», «Кимсан» деб бошимни қотирдингиз. Зарур бўлмаса кўнгирик қилардимим.

Маҳкам ҚУЧҚОР

Драматург асарининг премьерасида унинг отаси ҳам иштирок этибди. Энг кучли қарсаки унинг отаси чалибди. Танқидчилардан бири отага мурожаат қилиб:

— Спектаклнинг муваффақиятли чиқишида сизнинг ҳам маълум бир даражада иштирокингиз борга ўхшайди, — дебди.

— Бир даража эмас, тўлалигича!
— Нечук? Асарни сиз яратганмисиз?
— Асарни эмас, унинг муаллифини яратганман.

Убайдулла АБДУЛЛАЕВ

БИР ЧИМДИМ КУЛГУ

Бурғалаш экспедиция бош муҳандиси ишидан бўшаб, ўрнига ўзбек тилини яхши ўзлаштириб олган корейс миллатига мансуб Юрий Алексеевич Ким тайинланди. Улар алмашилгандан беҳабар узоқ чўлда иш олиб бораётган гуруҳ ишчиси бош муҳандисга кўнгирик қилди:

— Гушакни кўтарган ким?

— Гапираверинг, мен Кимман.

— Сени кимлигингни қаёқдан билай, менга бош муҳандис керак. Мен билан гап ўйнама, бурғалаш станогининг (дастгоҳ) штангаси синиб қолди. Ишимиз тўхтаб қолган, бизга ёрдам керак.

— Мен ким билан гаплашяпман? Фамилиянгни (отангни исмини) айт!
— Қайтариб айтаман, Ким бўламан.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълолар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
2810 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

Ношукрдан умид йўқ.

Қабихлик қилса ошнанг,
дарҳол ундан юз ўгир.

Ҳеч қачон ҳашак олов билан
дўст тутинган эмас.

Ақлданми озгина деб,
кўпни қурбон айламак?
Яхшимасми озни бериб,
кўпни бутун асрасак?

Битта ботир барчага матонат
бағишлагай,

Битта кўрқоқ барчани
жасоратдан айиргай.

Яхшиликка яхшилик унча
қийин иш эмас

Ёмонликка яхшилик ҳаммадан
улуғ ишдир.

Ёмондир ўзга юртда
ганимлик қилса қардош.

Фойдали эрур илм,
фойдалироқ соғ фикр.

Тақдир чаппа кетса, ҳатто улуғ до-
нишмандлар ҳам ҳалокатга учрайди-
лар, тақдир ёр бўлса, ҳатто ақл-ид-
роқдан маҳрум зотлар ҳам роҳат-фа-
роғатда яшайдилар.

Қуёшнинг нурларига дош
беролмас қоронғи.

Бахт-саодат тақдирнинг муруввати
билан келади.

Тақдир қанча қудратли бўлмасин,
одам ҳеч қачон ақлини йўқотмаслиги
керак.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Тошкент Кооператив техникуми томонидан 1.03.1984 йилда Қўзибоев Мирзабек Хамитович номига берилган №942287 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Газетанинг навбатдаги сони 10 сентябрда чиқади.



Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029,

Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ